



МОДЕЛЛАШИШ, УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ МОДЕЛЛАШНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Хусаинова Зебо Икромовна

Маъмур Университети-НТМ Роман- Герман филологияси
кафедраси катта ўқитувчиси

Bonny.glory@gmail.com +998997463317

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8063373>

ARTICLE INFO

Received: 14th June 2023

Accepted: 20th June 2023

Online: 21th June 2023

KEY WORDS

Лингвистик модел, таҳлил модели, синтетик модел, генератив модел, декодлаш тадқиқот модели, синтактик таҳлил модели, семантик таҳлил модели, лингвистик коммуникатив модели.

ABSTRACT

Ушбу мақолада моделлашиш, унинг юзага келиши ва шаклланиши, лингвистик моделлашиш турлари шунингдек, семантик, коммуникатив моделнинг узатиш модел тури, лингвистик коммуникатив моделнинг яралитишида Якобсон фаразлари келтирилиб ўтилади.

Модел тушунчаси лингвистикада реал тасаввурий қурилмаси сифатида кўрилади. Яниқроқ айтадиган бўлсак, тилшунос томонидан сунъий равишда яратилган, ўз ҳатти ҳаракати билан кўпайтурувчи, тақлид қилувчи ҳақиқий ва ҳаёлий қурилма, иккинчидан, “тур”, “диаграмма”, “парадигма”, “структура” ва х.з ларга ўхшаган массавий репродукцияга стандарт вазифада хизмат қиладиган намунадир. Тусланиш, сўз ва гап модели бунга мисол бўла олади. Бошқа тилларда масалан, инглиз тилида модел атамаси “қолип” “схема” сегментнинг доимий асоси, мураккаб лингвистик бирликлардаги, нутқдаги қайта ишланадиган ва тилнинг сифатлари билан характерланадиган тил структурасидаги элементларнинг парадигматик схемаси, шу схемани рамзлашган кўриниши, тилни моделлашувига асос бўлаоладиган ўрганиш методи сифатида кўрилади. Моделлаш тушунчаси ўрганилмаган ва қийин бўлган объектни схематик қайта ишлашни ўзида жамлаган илмий метод. Бу кўпинча объектни тўғридан тўғри кузатиш имконсиз деб қараладиган илмий соҳаларда моделлаштириш зарурияти кузатилишини кўришимиз мумкин. Шу ўринда “қора қути” яъни биз уни фақат шундайлигини биламиз “In put” сифатида ишланмаган материалларни қабул қилади ва охирида уни “out- put” сифатида ишлаб чиқади. Топшириқда “қора қути” унинг таркиби, дастлабки маълумотларни якунловчи маҳсулот сифатидаги жараёнларни амалга оширадиган механизмини ўрганиш ётади. Сабаби қора қути унинг функцияларини бўлаклардан туриб, ажратиш имконсиз, бу ўша объектни билиб олишнинг ягона йўли, унинг асоси дастлабки ва якуний маълумотларини қиёслашдир ва объект тасвирида тузилган бўлиши кераклигидадир,



унинг структурасидаги назария мантиқ машинаси туфайли амалга ошади. Агар бизнинг мантиқ машинамиз шунақа ишласа, бу объектни модели ва унинг ҳисоби бўлади, қора қути таркиби унинг ичидаги механизмни тафсилотлар билан бир вақтда содир бўлишига ишона оламиз. Бир неча лингвистлар модел тушунчасини турлича ифодалаган, шулардан, Ю.Д.Апресян моделлашиш – объектнинг бизга маълум бўлмаган хусусиятларини ўрнига, аниқ сифатлари белгиланган моделнинг хусусиятларини текширини таъкидлади. Рус лингвистлари тилни моделлаштириш атамасини, махсус тилларнинг умумий хусусиятларига асосланган, мавҳум семиотик системани шакллантирган бирон бир тилнинг структураси ҳақидаги фаразлар, махсус лингвистик қоидалар билан боғлиқ бўлган реал тилларнинг тафсилотлари ва ўша фаразларнинг натижалари билан боғлиқликгини таъкидлашади ва асосий хусусиятларини қуйидагича келтириб ўтишади.

Физиологик табиатига алоқадор бўлмаган, асосий хусусиятлари структуравий (функционал) хусусиятлари билан чегараланган ходиса моделлаши мумкин.

Иккинчидан, модел ҳар доим объектнинг аниқ идеаллашуви бўла олади. Бу дегани модел объектни энг оддий ва умумий сабабларини ўрганади. Лингвистик объектнинг идеаллашувига энг яхши намуна бу тилдаги гаплар сони ва уларнинг чегарасизлигидадир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, тилдаги гапириладиган ва ёзиладиган гаплар сони ҳақиқатдан кўп, чегараланган бўлади, бироқ гапирувчининг қобилияти янги ёзилмаган ва гапирилмаган ва олдин ҳақиқатдан кузатилмаган вазиятлардаги гапларни қўллаш билиши билан ҳам боғлиқ.

Учинчидан, модел одатда реал объектнинг маъносини эмас, балки идеал объектларнинг тузилмасини ифодалайди, бу маълумотлардаги аниқлик ва изланувчининг табиий интуицияси ва кузатувлари натижасида юзага келади, шунингдек, математик аппаратлардан фойдаланиш жараёнида мантиқий жиҳатдан фаразлардан юзага келадиган структура ҳамдир.

Тўртинчидан, модел расмий деб қаралади агар қўлланилаётганда тасдиқ ва қоидалари билан боғлиқ бўлган дастлабки объектлар жуда аниқлик билан тузилган бўлса. Расмий моделлар бир ёки бошқа таржималар ёрдамида маълумотларга боғланади. Моделни ўгириш - баъзи субъектив соҳалардаги объектларни алмашувини, қатъий ёки эҳтимоллигини аниқлаштириш деганидир.

Бешинчидан, ҳар қандай таржима қилинган моделни ўзига хос тушунча берадиган хусусияти бўлади. Бу хусусиятга агар у олдинги назарияларда кўриб чиқилмаган махсус тажриба орқали синалган бўлса, янги факт, маълумотлар билан тушунтириб бераолсагина эга бўлади.

Моделни шакллантириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

А) тушунтиришни таълаб қиладиган фактларни йиғиш

Б) ўша фактларни тушунтириш учун фаразларни шакллантириш

С) бошланғич маълумотларни тушунтира оладиган эмас, балки олдин кузатилмаган ва олдинги кўраоладиган янги фактларни ҳам тушунтира оладиган моделнинг шаклланишида фаразларнинг амалга ошириш

Д) моделни экспериментал текшириш

Лингвистик модел ва унинг турлари:



Ўрганилаётган объектнинг табиатига қараб, лингвистик модел қуйидагича турларга бўлинади.

- 1) Инсоннинг нутқий фаолиятига тақлид қиладиган махсус лингвистик ходисалар ва жараёнларда объект сифатида кўради.
- 2) Бир лингвистик ходиса иккинчисини юзага келишига олиб келадиган процедураларни объект сифатида кўрадиган моделлар. Бу моделлар маълум даражада лингвистнинг илмий фаолиятига тақлид қилади ва илмий моделлар ҳам деб аталади. Бу модел табиий тилларнинг граматикасини кашф қилишда универсал алгоритмни яратишга ҳаракат қилган америкалик дискриптивистлар томонидан биринчи марта ривожлантирилган.
- 3) Объектни тайёр лингвистик тавсифларларини кўриб чиқадиган моделлар, бунда на инсон нутқий фаолияти ва на лингвистнинг илмий фаолияти бўлади.

Лингвистик моделлар асосий турлари: лингвистик моделнинг бир кўриниши бу тадқиқот модел бўлиб, у дастлабки маълумотни қандай ишлатишига қараб уч синфга ажратилади. Биринчи синфида матн дастлабки маълумот сифатида қўлланилади ва матнни бошқараётган тил ўша матннинг ўзидан маълумот олади. Бу классик декодлаш моделига мисол бўлади. Иккинчи синфида нафақат матн балки тилдаги тўғри сўзлар жамланмаси ҳам олинади. Бу дегани модел яратилиш жараёнида, лингвист информантдан ҳар бир жумла тўғри ёки нотўғрилигини билиш учун ёрдам сўрайди дегани. Ва ниҳоят матннинг учинчи синфида нафақат матн ва тўғри фразалар жамланмаси, балки семантик инвариантлар ҳам қатнашади. Бу дегани информант матндаги ҳар бир гапнинг тўғрилигини аниқламасдан, ундаги фразаларнинг бир хил маъно англатишини текширади.

Демак, тадқиқот моделда (лингвистик модел) маълумотлар матнни ўзини иштирокида ёки гаплардаги тўғри сўзлар ва фразаларнинг жамланмаси ва семантик инвариантлар ёрдамида таҳлил қилиниши илмий модел сифатида кўрилади. Лингвист ҳам агар берилган тилда равон бўлса, у ҳам информант бўлаолади.

“Тил билиш” тушунчаси нимани англатишига қараб, нутқий фаолият моделлари грамматикани билишга асосланган но семантик ва соф синтактикга, масалан, сўзловчининг зарур маъноли фразаларни эмас, балки грамматик жиҳатдан тўғри тузиш ва тушуниш қобилияти, гаплар маъноларини қуриб билиш ва тушунишда маҳаллий сўзловчиларнинг қобилиятига тақлид қиладиган семантика турларига бўлинади.

Нутқий фаолиятнинг моделлари икки турга яъни **таҳлил** ва **синтез** моделларга ажралади.

Таҳлил модели - бир тилдаги кўп сонли жумлаларни таҳлил қиладиган чекланган қоидаларидир. Синтактик моделлар матнни “кириш” сифатида қабул қилади ва ҳар бир гапни синтактик тузилишини “чиқиш” сифатида қайд қилиб боради. Семантик аналитик моделда айнан шундай материалларни “кириш” сифатида қабул қилади ва ҳар бир жумлада “чиқиш сифатида” махсус семантикада мазмунли ёзув (ҳиссий тасвир)ни яратади.

Синтез модели - чекланмаган кўп сонли тўғри жумлаларни ташкил қилаоладиган, чекланган қоидаларидир. Синтактик синтез моделлар “кириш” сифатида



гапларни синтактик структурасини ёзиб олишда ишлатилади ва маълум бир тилдаги тўғри жумлаларни “чиқиш” сифатида беради. Семантик синтез моделлар махсус семантик тилдаги баъзи гапларнинг маъноли ёзувини “кириш” сифатида қабул қилади ва табиий тилнинг жумлалар тўпламини, ўша жумланинг синонимларини “чиқиш” сифатида ишлаб чиқади.

Юқорида кўрилган моделлардан ташқари яна генератив модел ҳам бор. Бу модел қайсидир маънода анализ ва синтез моделлар ўртасида оралиқ бўла олади. **Генератив модели** белгили алифбодан ва ўша алифбонинг элементларини ифодалашнинг, шакллантиришнинг чекланган сонли қоидаларидан ташкил топган конструкциядир. Математик шаклига кўра, моделлар ҳисобли ва алгоритмлига бўлинади. Ҳисобли (Calculus) рухсатлар системасидир ва алгаритм эса бу буйруқлар кетма- кетлиги. Ҳисобли (Calculus) бу белгилар алифбосини ташкил қилишдаги дастлабки тушунчаларни ва бу ғоялар орасидаги алоқалар ҳақидаги исботланмаган баёнотларни шунингдек, олдин мавжуд бўлмаган янги теоремаларни қамраб олади. Баъзан аксиомалар ва хулоса чиқарувчи қоидалар ўрнига, алифбо элементларидан ташқари бўлган ифодаларнинг кўчиши ва яратилиш қоидалари ишлатилади. Ҳисобли (Calculus) маълум тилдаги барча гапларни махсуслаштиришга имкон беради ва ҳисобларнинг бу хусусиятлари катта сонли бирликларни ҳал қиладиган лингвистикада қўлланиши керак. Алгоритм бу кўзланган объектни танлашга олиб келадиган амаллар ва буйруқлар кетма-кетлигидир. Машина тушунаоладиган тилда ёзилган алгоритм бу дастур ҳисобланади. Ҳар қандай ҳисоб китобни ўз ичига олган модел машина орқали амалга оширилиши учун алгоритм шаклида кўринади чунки машина бир тилни тушунади, у ҳам бўлса буйруқ тилини, рухсат тилини эмас.

Аналитик ва синтез моделлар одатда алгоритмларни шакллантиришда ва генератив модел эса ҳисоб- китоб шаклда ишлатилади.

Генератив модел – ҳисоб шаклида кўринадиган бу модел маълум бир тўпламнинг барча тўғри ва фақат тўғри, шу жумладан чексиз объектларни белгилаши ёки яратилиши мумкин бўлган ва ҳар бир объектни махсус таҳлил қиладиган чекли қоидалар тўпламидир.

Декодлаш тадқиқот моделлари – бу яна лингвистик моделлар деб ҳам айтилади сабаби у назарий функцияларидан ташқари амалий функцияларни ҳам бажариши мумкин, бу дегани дастлабки маълумот сифатида олдин номаълум бўлган матн танланади. Бу матндаги ишлатилаётган тил ва унинг бошқа маълум бўлган тиллар билан генетик боғлиқлиги ва унинг шу тиллардаги таржималари, бу матндаги ёритилаётган манзил ҳақида маълумотлар келтирилмайди. Матндаги бошланғич элементлар яъни харфлар, товушлар, морфемалар, сўзлар, гаплар, белгилар ва ўша элементларнинг бирликлари бўлмиш, унлилар, ундошлар, грамматик ва лексик морфемалар, нутқ бўлаклари, семантик майдон, ва гап бўлаклари, уларнинг бирикма қонуниятлари, масалан синтактик гаплардаги сўзларнинг боғланиши буткул матнни ўзидан келиб чиқади.

Харрис ва Сукхотин алгоритмлари бундай моделларга намуна бўла олади. Бундай алгоритмларнинг асосида, биринчидан тилнинг оддий ва умумий тушунчалари ётади ва аниқ универсал қонуниятлар билан тасдиқланган бўлади. Ҳар бир тилда камида



иккита сатҳи бўлади, бу маъноли бирликлар (морфемалар, сўз шакллари, конструкциялар) ва маъносиз бирликлар (товушлар) сатҳидир. Хар бир тилда лексик морфемалар бўлади ва унинг матндаги хиссаси грамматик морфемалардан фарқ қилади. Синтактик фарқлар эса семантик фарқлар билан мос келади. Иккинчидан, бундай алгоритмларнинг барчаси элементларнинг тақсимланиши ва уларнинг сон параметрлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланади. Учинчидан, мумкин бўлган барча ечимлар танланади ва улар орасидан фойдали функциясига кўра энг яхши ечим танланади. Фойдали функция яна аниқ бир қийматга эга бўлган рақамли функция ҳам бўлаолади.

Экспериментал тадқиқот методи- бу метод ҳам деколаш методига ўхшаб, матннинг ўзидан тилнинг элементар бирликлари ва уларнинг турли синфлари шунингдек, ўша синфлар элементларининг бирикма қонуни ҳақидаги маълумотларни олади. Бу моделлар бир-биридан ҳосил қилинган ахборотни олиш усули ва дастлабки маълумотни хусусиятини кўрсатиш билан фарқ қилади. Агар лингвист ўзини соф кузатишдан чекласа, матннинг табиий шароитида берилган объектни ҳатти-харакатини акс эттирса, кузатишлари фақат математик қайта ишлашга таъсир қилса, экспериментал тадқиқот моделида у материалларни сунъий шароитда кузатади. Қисқача айтганда, бу модел турида у декодлаш моделида имконсиз бўлган тажрибадан фойдаланади. Бу модел турида, тажриба билан боғланаолиш учун лингвистнинг ихтиёридаги матннинг ўзи етарли бўлмайди, чунки ҳар бир матн чекланган даражага эга ва берилган матндаги барча мумкин бўлган фразалар тўлиқ акс этмиди. Шунингдек, бу моделда лингвист ҳар бир гап ҳақида айтаоладиган информантга ҳам мурожаат қилади ва берилган фразалар бу тилдами ёки йўқми шуни текшириш имкони бўлади. Бу моделларга **бефосита таркибий қисмлар модели** намуна бўла олади ва у Л. Блумфилд ва Р. Велс З Харрис томонидан тажриба тадқиқот модели сифатида ривожлантирилган, кейинчалик нутқ фаолиятини моделлаштиришда ишлатилган. Бундан кўриниб турибдики, декодлаш моделидан фарқли ўлароқ экспериментал тадқиқот модели анча мослашувчан ва уни ёрдамида оригинал матндан тилнинг бирликлари ҳақида кўпроқ маълумот олаоламиз.

Синтактик анализ модели

Автоматик матн таҳлилини муоммаларини ҳал қилишнинг тўртта асосий ёндашувлари мавжуд. Булар кетма-кетлик таҳлили, башоратли таҳлили, таянч усули ва филтер усулидир.

Матн таҳлилининг автоматик кетма-кетлик методининг асосий припциплари 1954- йилда В. Ёнгви томонидан шакллантирилган. Матнни таҳлил қилувчи бу қурилма берилган тилдаги синтагмаларни хотира рўйхатига жойлаб бориши керак бўлади. Синтагмалар стандарт сифатида кўрилади. Берилган гапдаги сўз шакллари қатори ва улар билан бирга луғатларга жойланган стандарт (меъзон)ларни кетма-кет қиёслаш вазифасини бажараётган машина синтактик структурасини излайди ва ҳар гал энг узун синтагма, қиёслаш учун термин сифатида танланади. Топилган фразалар мос синтагмаларни танлиди ва гапнинг синтактик таҳлили ва белгиланган ҳамма фразалар билан боғлиқлари кўриб чиқилади. Автоматик матн таҳлилидаги муоммаларни ҳал қилишда энг изчил тавсифланувчи ёндашувга мисол қилиб И. А.



Мелчукнинг алгоритмини келтирсак бўлади. Матн таҳлили жараёни катта икки қисмга - дастлабки матнни ёрдамчи алгоритмлар билан тайёрлаш ва уни асосий алгоритм билан таҳлил қилиш.

“Кириш” сифатида ёрдамчи алгоритмлар ҳақиқий ёзилган матнга эга бўлади ва “чиқиш” сифатида эса фаразли, сўз шакллари (пунктуация белгилари, фазо билан чегараланган харфлар кетма кетлиги) фаразли сегментлар (боғловчилар ва пунктуация белгилари билан чегараланган сўз шакллари кетма кетлиги) ва фаразий фразалар (нуқта билан чегараланган сегментлар кетма кетлиги) ўз ичига олган фаразий матн объектини танлайди.

Семантик таҳлили модели

Инсон хулқ аторидаги интеллектуал нутқни моделлаштириш кўпгина олимларнинг тадқиқотини марказида бўлган жумладан, А К Зховский, Н. Н Леонтева, Ю С Мартемяна, В Ю. Розензвейг, Ю К. Шчехлов. Семантик таҳлил модели, инсондаги семантик жиҳатдан тўғри деган тушунчани ва тушунаолиш кўникмасини шакллантиради. Тилдаги грамматика позицияси эмас балки сўзларнинг маънолар позицияси ҳам моделлашади. Сўзларнинг маънолар позицияси гапларнинг семантик ўзига хослигини тушуниш учун гапирувчининг қобилияти ва турли хил услубда айнан шу фикрни ифодалаш учун кўникмасида намоён бўлади. Гап маъноларини яратилишида семантик тил, табиий тилга ўгириш сифатида кўрилади. Сўзнинг маъноси умумий олиб қаралганда элементар семантик бирлик эмас. У семантик тилнинг луғат бирликлари бўлмиш кўпгина элементар белгиларга бўлинади. Аниқ бир элементар белгиларнинг комбинацияси табиий тилдаги бирон бир сўзнинг маъносини шакллантиради. Кичик сонли элементар белгилар табиий тилдаги катта сонли сўзлар комбинациясини яратаолади. Семантик тил бирликлари молекулалардан ташкил топган турли хил комбинацияли ядролардир. Масалан, табиий тилдаги актуал сўзларнинг маънолари бунга мисол бўла олади.

Кўчириш модели- бу модел яна коммуникация занжири деб ҳам аталади. Шаннон ва Вевернинг *маълумотлар назарияси ва лингвистикадаги аҳамияти, психологик ва акустик механизмида* бу модел келтирилган. Бу моделни юзага келиш жараёнида инсон агент сифатида мулоқот мобайнида қандай хабарни ифодаламоқчилигини ўзи қарор қилади ва маъно (лингвистик сатҳ)ни ёритиб беришда маълум бир тўғри лингвистик нутқни қўллайди, натижада овоз аппарати (психологик сатҳ)нинг мос мувофиқлашуви орқали сўз ишлаб чиқилади. Оғзаки нутқни ишлаб чиқишда 3та сатҳ қатнашади. *Когнитив лингвистик психологик.*

Кейин узайтириш (transmission) қабул қилувчига ўртача ўзига мос услубда лингвистик нутқни йўллайди. Бу ерда оғзаки нутқ мулоқоти билан боғлиқ бўлган восита мавжуд, бу ҳаво. Масалан, гапирилган нутқ ҳаво оқими орқали қабул қилувчининг қулоғига ўша услубда етиб боради. Биз яна хабарни ёзма шаклда ҳам қоғоз ва сиёҳ ёрдамида кўчиришимиз мумкин. Аммо хабар кўчиришда, вокал эшитиш каналидан фойдаланилади кейин эса бу кўчиш акустик сатҳда содир бўлади. Товуш таъсирида оғзаки нутқни қабул қилувчи нутқни эшитиш сезгиси (психологик сатҳ) орқали англайди.



Қабул қилиш жараёни- бу оғзаки нутқ товуши қабул қилувчи билан содир бўладиган жараён бўлиб бунда қабул қилувчи эшитиш(психологик сатҳ) орқали товушларни аниқлайди кейин эса уни лингвистик ифода (лингвистик сатҳ) орқали декодлайди. Охирги босқичда у лингвистик ифода ёрдамида нима маъно англатилиши ҳақида фикр шакллантиради(когнитив сатҳ).

Лингвистик коммуникатив модел

Ҳар бир шоирлар, ёзувчилар, сценария муаллифлари, режиссёрлар, таржимонлар ўз ишида адабий тил билан ишлайдиганлар албатта, лингвистик семиотик ва ёки белги моделларидан фойдаланишади. Рус файласуфи германовка Густав Густавич Шпет ўзининг “ Сўзнинг ички шакли” асарида маъно концепцияларини (луғатдан ёзиб олинган турли хил маънолар) маъно (берилган нутқ матнидаги тушунча) билан фарқлаган. Маъно шеърий ва логик онтологик ва логик шаклда хиссиёт билан боғланади. Сўзнинг субъектив хусусиятлари гапирувчининг шахсий таржибалари ифодалайди. Хар қандай сўз маъно англатмагунча ноаниқ ҳисобланади.

Роман Осипович Якобсон рус филологи, фолклорист, полиглот, Шерий тилни ўрганиш жамияти асосчиларидан бири. 1921-йилда Россиядан дастлаб Чех республикасига кейин эса Норвегия Швеция ва Қўшма Штатларга кўчиб ўтган. У ўзининг ғоялари билан Прага Лингвистлар доираси асосчиси Ф. де Сауссуренинг семиотика ҳақидаги фикларини ривожлантирган. Шунингдек, лингвистикада фонология асосчиси бўлган ва товуш маъноларини улар ўртасидаги боғлиқликни ўрганган Ч. С. Пиерсенинг семиотикасини оммалаштирган. Якобсон нутқ мулоқотининг лингвистик моделини ривожлантирди ва унда тилнинг асосий функциялари бўлмиш, алоқа актининг асосий элементларига жавоб берадиган: адресловчи, хабар, контекст, контакт, канал, код, адресантни асослаб берди. Тилнинг ифода функцияси адресловчи билан боғлиқ бўлади ва у ўзининг муносабатини дўстона нутқида ифодалайди.

Металингвистик хусусият ёки тушунча хусусияти код билан боғлиқ бўлиб, унинг ёрдамида сўз ёки объектнинг маъносини топиш мумкин. Унинг мақсади берилган баёнотнинг мазмунини аниқлашдир. Код қабул қилувчига ҳам юборувчига ҳам умумий бўлиши керак. Фатик мулоқотда (мулоқотдаги хар қандай суҳбат учун) яъни у информатив ёки бўш суҳбатдан иборат бўладими алоқани сақлаб туришда муҳим рол ўйнайди. Тилнинг бу функцияси мулоқот жараёнини бошлаган ва сақлаб туришни кўзлаган инсон ёки гапираётган қуш учун ҳам умумийдир. Поэтик (реторик) шаклда асосан тилнинг функцияси контекста қараганда кўпроқ бадий шаклга боғлиқ бўлади. Конатив тил функцияси тўғридан тўғри мурожаат қилувчининг таъсирини ифодалайди. Когнитив- бу воқеаълик билан боғлиқ бўлган хабар тили функцияси бўлиб контекста йўналтирилган бўлади. Контекст эса хабарнинг матнини ташкиллаштиришни аниқлашга ёрдам берадиган воқеаълликни тўғрилайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, модел ва унинг юзага келиши бир неча жараёнларни ташкил қилади. Модел турлари: лингвистик модел, декодлаш модели, синтактик анализ модели, лингвистик коммуникатив модел, кўчириш модели, семантик тахлили модели, синтез модели, таҳлил модели ўз ичига олиб булар инсон нутқида юзага



келадиган товушлар гапларнинг семантик боғланиши уларнинг маъно англатиши семиотикаларнинг қўлланиши ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади.

Матнни таҳлил қилиш жараёнида маъноли нутқ этикетини моделлаштириш учун маълум бир тилнинг семантик луғати ва берилган тилдан семантик тилга ўгиришда алгоритм керак бўлади. Матнни синтезлаш жараёнида эса маъноли нутқ этикетини моделлаштириш учун берилган тилдан семантик луғати ва семантик тилдан берилган тилга ўгиришда алгоритм зарур бўлади.

Табиий тилдан семантик тилга ўгиришда ишлатиладиган алгоритм учта босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичи синтактик қарамлик яъни ўз ичига унга қарам бўлган хамма сўзлар ва уни муносабатларини ифодалай олади ва семантик қарамлик асосида семантик луғат ёрдамида қайта ёзилади. Иккинчи босқичда синтаксис дарахтнинг бир қисмига қурилган семантик дарахт бутун бир гапнинг семантик дарахтига маълум бир қоидаларга кўра боғланади. Учинчи босқичида ёзиб олинганлар семантик тенгламаларда ишлатилиши учун стандарт формагача қисқартирилади. Семантик таҳлил модели, берилган тилдаги сўзнинг маъноси ва грамматикаси ҳақидаги олдиндан берилган маълумотлар ёрдамида инсоннинг англай олиш ва маъноли гапларни ишлаб чиқиш қобилиятини моделлаштиради.

References:

1. Российская научная эмиграция. Двадцать портретов. М., 2001. С. 288.
2. Якобсон Р.О. Избранные работы. М., 1985; Якобсон Р.О. Работы по поэтике. М., 1987; Борее В. Ю., Коваленко А. В. Культура и массовая коммуникация. М., 1986. С. 65, 74, 80; Шарков Ф.И. Теория коммуникации. М., 2004. С. 55.
3. Korpusna linhvistyka: Monogr. / V. A. Shyrovkov, O. V. Buhakov, T. O. Hriaznukhina, O. M. Kostyshyn, M. Yu. Kryhin; NAN Ukrainy, Ukr. mov.-inform. fond. – K.: Dovira, 2005. – 472 s.
4. Linhvisticheskii entsiklopedicheskii slovar / Hl. red. V. N. Yartseva. – M.: Sov. entsiklopediia, 1990. – 683 s.
5. Losev A. F. Vvedenie v obshchuiu teoriyu yazykovykh modelei / Pod red. I. A. Vasilenko. Izd. 3-e. – M.: Editorial URSS, 2010. – 296 s.
6. Revzin I.I. Modeli yazyka. – M.: AN SSSR, 1962. – 192 s